


Зино рашк ва ҳамиятни йўқотади



15:15 / 18 февраль 1056

Бузуқлик ва зинонинг зарарларидан бири инсоннинг рашки ва ҳамияти камайиб, охири тугаб кетишидир. Шу билан бирга кўпинча, инсон даюс бўлиб қолади. Аҳлини зино ва гуноҳ йўлига юриб кетишдан тўхтатишга ҳиммати етмай қолади. Чунки унинг ўзи бу ифлослик ила булғанган бўлади.

Ҳазрати Муғира ибн Шўъба розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Бир куни Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу: «Агар мен ўз аёлим ила бирор эркакни кўрсам, дарҳол унинг бўйнини узиб ташлайман», деди. Бу гап Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга маълум бўлганида у зот шундай дедилар:

???????????????? ???

??

????????

«Сизлар Саъднинг рашкидан ажабланияпсизларми? Аллоҳга қасамки, шаксиз, мен ундан рашкчиман. Аллоҳ эса мендан ҳам рашкчидир» («Саҳиҳул Бухорий»).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

?????????? ?????? ????? ?????????? ?????????????? ???
????????? ?????????? ???????????

«Мўмин банда Аллоҳ ҳаром этган ишни қилганида У зотнинг рашки келади» («Саҳиҳул Бухорий»).

Оиша розияллоҳу анҳодан нақл қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

??? ??????? ?????????? ????? ??????? ?????? ??????
?????????? ?????? ????????????? ???????????

«Ҳеч ким Аллоҳдан кўра рашкчироқ эмас. Аллоҳнинг рашки қули ва чўриси зино қилаётганини кўрганда келади» («Саҳиҳул Бухорий»).

Бузуқлик билан рашк қилмаслик бир-бирига боғлиқ. Берашкликнинг натижаси даюслиқдир.

Имом Ибн Қаййим раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар: **«Инсон қачон гуноҳ ва бузуқликка одатланса, ундаги рашк йўқолиб кетади. Кўпинча, инсон гуноҳни гуноҳ деб билмайди ва айни шу ердан унинг хорлиги бошланади»** («Ад-дау вад-дава», 109).

Юқоридаги тафсилотлардан тасаввур қилиш мумкинки, зино жуда оғир жиноят. Унинг сабабидан инсоннинг рашки йўқолиб кетаркан. Кимнинг рашки бўлмаса, унинг учун ҳар қандай гуноҳ эшиги очилади. Кейин нимани хоҳласа қилаверади.

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.